O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 апрел чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 65 (2362)

*9 май – Хотира ва қадрлаш куни*

## НАВОИЙДА – ХОТИРА МАЙДОНИ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида Навоийда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Аждодлар ёдини абадийлаштириш мақсадида Навоий шаҳрида Хотира майдони қурилиши бошланди.

Шаҳарнинг Халқлар дўстлиги ва Низомий кўчалари туташган майдонда она сиймоси акс эттирилган ёдгорлик, шаҳидлар хотира мажмуи ва музей барпо этилади. 15 гектар майдонни эгаллаган Хотира майдони кўҳна Кармана билан Навоий шаҳрини бир-бирига туташтиради. Хотира боғида турли мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилади. Майдонни асосан ҳашар йўли билан бунёд этиш мўлжалланмоқда.

**Ёркул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

*Эркинлаштириш — ҳаётий зарурат*

## ХАЛҚЧИЛЛИК

### жамиятнинг барча қатламларини ташаббускорликка чорловчи беназир фазилатдир

Жамият аъзоларининг бахт-саодати, фаровонлиги йўлида жон куйдириш мамлакатнинг буюк келажаги учун курашнинг бош йўналишидирки, бошқа барча вазифаларни рўёбга чиқариш йўлидаги жамики саъй-ҳаракатлар уни тўлдиради. Ватан равнақи ёки аксинча, унинг қоронғу кунларини, эл-улус хушҳоллиги ёки қайғусини ўзига яқин олиш ҳар бир ватандош, бутун халқ бахти ёки бахтсизлигига шерик бўлиш демакдир. Бунинг акси — шахсиятпарастлик, манфаатпарастликдан ўзни тиябилмасликдан бошқа нарса эмас. Зотан, халқпарвар бўлмаган инсонлар мансаб пиллапояларида қанчалик юқори турмасин, улар қанчалик беҳисоб мулк соҳиби бўлмасин халқ эътирофини қозона олмайдилар.

Юртбошимизнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқларини такрор ва такрор ўқиб, ички бир изтироб ила билдирилган мулоҳазалар мағзини чақар эканман, юқоридаги ўй-кечинмалар хаёлимдан ўтди. Касб тақозоси билан Сурхон воҳасининг шаҳарқишлоқларини, тоғу чўлларини кўп кезганман. Алпомиш келбатли эр йигитлари — чўлқуварлар, кончилар, чўпонлар, Барчиной қиёфали қизлари — теримчилар, сут соғувчилар, ўқитувчи ёки шифокорлар билан суҳбатлашганман. Давр зиммасига кўламли ва масъулиятли вазифаларни юклаган раҳбар ходимлар билан мулоҳазалашганман.

Рўй-рост айтишим керакки, ор-номусли, кўнгли очиқ шу кишиларнинг орзу-интилишлари, курашлари ва меҳнатлари билан воҳа гуллаб-яшнамоқда.

Мамлакатимиз раҳбари воҳанинг бугунги табиий-иқтисодий, маънавий-маданий салоҳиятига муносиб баҳо бердилар, лекин ислоҳотларнинг боришида, ишни ташкил этишда, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги нуқсонлар хусусида ташвиш билан очиқчасига гапирдилар.

Воҳада бугунги ҳолат қандай юзага келди? Унинг илдизлари нимада? Бу минтақада олис-яқин ўтмишда кечган жараёнлар, бугун юзага келган ҳолат уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик ва шу каби иллатларнинг энг хунуги — қабилачилик илдизларига бориб тақалади. Мамлакат раҳбари бу ҳолатнинг вилоят ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётидаги оқибатларини чуқур таҳлил қилиб, янги таркибдаги халқ депутатларини кўзни очишга, янгича фикрлашга даъват этдилар. Сир эмас, Сурхон воҳасининг депсиниб туриши, мамлакатимиз ҳаёти билан ҳамқадам бўлолмаётганлигининг асосий сабаби фақат ва фақат мана шу иллатлар яшовчанлигининг натижасидир.

Мақсад — ахлоқий фазилатлар кўзгусидир. Ҳар бир раҳбарнинг мақсади, интилиши, қадамлари унинг кимлигини кўрсатади. Халқ, эл-улус фаровонлиги, хонадонлардаги рўшнолик, оилалардаги саодатмандлик учун фойда келтирадиган ишлар халқчилликнинг юксак кўринишларидир. Афсуски, мустақиллик йилларида ҳам халқим, элим деб лоф урувчи, амалда эса ўзининг тор худбинлик мақсадларига ўралашиб юрувчи кимсалар учраб турибди. Уларнинг ҳақиқий мақсадлари ўз шахсий манфаатлари, уруғ-аймоқларининг фаровонлиги доирасидан бир баҳя ҳам четга чиқмайди.

Халққа яқин бўлиш, халқ билан бирга яшаш — мўътабар, муқаддас ва муборак хислат. Бу фазилат киши хатти-ҳаракати, мақсад ва интилишларига шунчалар ёрқинлик, теранлик бағишлайдики, уни фақат ақл-идрокини, билим-тажрибасини, бутун ҳаётини эл-юрт учун бахшида этган инсонларгина чуқур ҳис қила оладилар. Бундай ҳиссиётни сезиш — бебаҳо бахт. Кўпчиликнинг дарди билан яшаш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун тиним билмай курашиш кишининг мартабасини юксакларга кўтаради.

Модомики, давр сени юқори лавозимларга кўтарган экан, шунга муносиб бўл, эл-улус руҳиятини, иштиёқини, интилишини ҳис қил, замондошларинг қалбидан ўрин ол, қийинчиликлари, изтиробларини, қайғу-аламларини кўтар, мискинлик ва бахтсизлик онларида дардкаш бўл. Енгилтаклик ёки лоқайдлик лавозимингга, даражангга, нуфузингга сингишмаслигини ҳар сония ёдингда тут. Шунда эътирофга ва эъзозга муносиб кўриласан. Шунда олам сен учун ҳақиқий жаннатга, теварак-атрофингдагилар эса асл сафдошга, ҳамнафас курашчиларга айланади. Шунда тириклигингдаёқ боқийликка эришасан.

Одамларни севиш, улар учун яшаш ва меҳнат қилиш бебаҳо неъматлардирки, унинг чашмаларидан тўйиб-тўйиб сипқорган инсон — бахтиёрдир, хуррамдир. Аксинча, уларни ҳурмат қилмасдан, кундалик ҳаётларини маъмур ва истиқболларини нурли қилиш хусусида азият чекмасдан на мансабдор, на мулкдор ўзининг елкасига замона ортмоқлаган вазифани уддалай олмайди.

Мансаб ёки бойлик ҳавосига учиб, йўлингни кесиб ўтган кишини ёмонотлиқ қилишинг, жойига «ўтқазиб» қўйишинг мумкин, лекин буларнинг ҳеч бири сенга жамоатчиликнинг ҳурмат-эътирофини келтирмайди. Жилла қуриса, амалинг ёки давлатинг ҳурмати салом-алик қилиб, айтганингни бажариб юришади. Бир куни улардан маҳрум бўлганда эса асл баҳойинг қандайлигини кўрсатади.

Меҳр-оқибатлилик, саховатпешалик, кўнгил олишга интилиш —халқчиликнинг мезонларидир. Булар шундай ўлчовки, мили ҳамиша одамларнинг кўзи ўнгида. Демакки, баҳо ҳар дақиқа аён. Одамлар шунга қараб амалдор атрофига қовушадилар, унинг оқилона қарорларини бажаришга камарбаста турадилар, керагида жонларини ҳам аямайдилар. Ёки, аксинча, ундан қочадилар, топширикларини қўл учида бажарадилар. Бундай вазиятда ҳар қандай иш ўлда-жўлда қолаберади.

Шуни асло унутмаслик керакки, халқчиллик барча инсоний хислатларнинг чўққисидир. Бу чўққига кўтарилиш ҳаммага ҳам насиб этабермайди. Бу чўққини фақат теран қалб, ёрқин ақл-идрок, олийжаноб мақсад соҳибларигина забт эта оладилар.

Юрт — қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят тақдири ишониб қўйилган шахс одамлар ҳаётини гўзаллаштириш, қисматини енгиллаштиришни ўзи учун олий мақсад деб билиши керак. Айни шу фазилатлар йўқчиликда ҳам, иссиқ-совукда ҳам замондошларимиз қалбига шижоат уруғларини мўл сепади, яхшироқ меҳнат қилишга, баракали ва самарали ишларга руҳлантиради.

Ўзбекистон дея аталмиш муқаддас ва муборак она заминимиз фидокор халқнинг ҳақ ишларига камарбаста шахслар идроки ва иродаси ила обод ва барқарордир. Шундай инсонлар ўз ибратлари билан аҳолининг барча қатламларига жасорат ва эътиқоддан бир умрлик сабоқ беришмоқда, аниқ мақсад билан яшаш завқини одамлар шуурига сингдиришмоқда. Бундан куч олган халқимиз ўз ҳаётини мазмунли, гўзал, ўзининг азалий қадриятлари ва маънавиятига мутаносиб даражага кўтариш учун сабот-матонат билан меҳнат қила бошлади. Бугун биз шундай уйғониш ёлқинларини кўриб турибмиз. Мана шу ташаббус, уйғониш ёлқинларини ёрқин нурларга айлантириш Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштириш демакдир.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ИККИ ТУМАННИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

*Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш ва Ҳ. Асомов кўчалари туташган жойда кўприк қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Узунлиги қарийб бир километр бўладиган ушбу кўприк қурилишини Тошкент шаҳар метро қурилиши трестига қарашли ТО-2 бунёдкорлари ўз зиммаларига олишган. Қурувчилар икки туман — С.Раҳимов ва Юнусобод туманларини бир-бири билан боғловчи ушбу иншоотни Мустақиллик байрамига туҳфа этишмоқчи.*

**СУРАТЛАРДА: А.Алексеев ва Ҳ.Асадовлар иш устида; кўприк қурилишининг умумий кўриниши; қурувчи Б.Раҳмонов.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини муҳофаза этишнинг самарали йўлларидан бири уларни меҳнат билан бандлигини таъминлашдир. Зеро, янги иш жойлари ташкил этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни кучайтириш каби масалалар бу борада ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ушбу масалаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий негизлари яратилди, натижада бандлик масалалари қонунларнинг устуворлиги асосида ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратила бошланди. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ҳам бу борадаги муҳим ишлардан биридир.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси мазкур Қонуннинг Сурхондарё вилоятида бажарилишини ўрганиб чиқди ва унинг натижаси кеча бўлиб ўтган қўмита ва комиссиянинг қўшма йиғилишида муҳокама қилинди. Уни Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси О. Мусурмонова бошқарди.

Мазкур масала бўйича Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Худойқулов ахборот берди. Ушбу вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, касбга тайёрлаш, меҳнат бозорини барпо этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишга жойлашишда қийналаётган шахслар учун иш жойларини ташкил қилиш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ, Қонуннинг ижроси бўйича бирмунча нуқсонларга йўл қўйилмоқда, ечимини кутаётган муаммолар ҳам кам эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги қарорига асосан вилоятда 7145 та иш жойлари белгиланиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини иш билан таъминлаш кўзда тутилган бўлса-да, бу кўрсаткич 6278 тага бажарилган, яъни 867 та иш ўрни барпо қилинмаган. Вилоятда иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасига корхона ва ташкилотлардан мажбурий ажратмалар йиғиш режаси ҳам бажарилмаган.

Йиғилишда, шунингдек, вилоятда аёлларнинг бандлиги, уларнинг меҳнат шароити кўнгилдагидек эмаслиги, иш билан таъминланишда тегишли имтиёзлар жорий этишга етарлича эътибор қилинмаётганлиги ҳам қайд этиб ўтилди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва уларни амалга ошириш юзасидан барча имкониятлар ишга солиниши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш ишида республика Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## МАВСУМ УНУМЛИ БОШЛАНДИ

Жиззахда баҳорги дала ишларини қисқа муддатларда сифатли ва уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев бошқарди.

Йиғилишда таъкидландики, вилоят пахтакорлари жорий йилда 104,5 минг гектар майдонга барака уруғи қадаб, 248 минг тонналик юксак хирмон кўтаришни ният қилганлар. Шу мақсадда пахтакорлар эрта баҳорданоқ дала ишларига асосий эътиборни қаратиб, ерларни чигит экишга сифатли тайёрламоқда. Бу муҳим агротехник тадбир Жиззах, Дўстлик, Мирзачўл ва Арнасой туманларида намунали ўтказилгани боис чигит экишга барвақт киришилди. Ҳозиргача бу туманларнинг ҳар бирида қарийб 1000 гектар майдонга чигит экилди. Вилоятда чигит экиш ишларини 15 иш кунида тугаллаш учун барча чора-тадбирлар кўрилган. Барча техник воситалар юқори унум билан ишлатилмоқда.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАДБИРКОР ЗАВОД ҚУРМОҚЧИ

### Лекин уч йилдирки, унинг орзуси ушалмаяпти

Акрам Ниёзов — Самарқанддаги «Гулобод» масъулияти чекланган жамияти раиси. Бу жамият асосан маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Масалан, биноидек ғишт заводи бор. Заводда 38 киши доимий иш билан банд. Улар бултур 5 миллион донадан ортиқ ғишт тайёрлаб, 11 миллион 248 минг сўм даромад олдилар. Соф фойда 1 миллион 662 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 19,5 фоизни ташкил этди. Жамиятда яна оҳак ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Унинг ёрдамчи хўжалиги ҳам янги иш ўринлари очилишига имкон яратди: 12 нафар ишчи 3 бош сигир ва 30 бош қўйни парваришлаш билан бирга чорва моллари учун ем-хашак етиштиради.

— Бу ишлар ҳали етарли эмас, — деди Акрам Ниёзов бир куни жамият аъзоларига. — Биз черепица ишлаб чиқарадиган завод ҳам қуришимиз керак.

1996 йили Чехия ва Германияда хизмат сафарида бўлган чоғида унинг қалбида ана шу истак туғилган эди. Гап шундаки, бу мамлакатлардаги уйларнинг томлари турли рангдаги черепицалар билан ёпилганди. У заводларда бўлиб, черепицанинг бизда қўлланиладиган шифер ва тунукалардан афзаллиги, устигаустак, нархи арзонлигини билди-ю, қизиқиши баттар ошди.

Акрам Ниёзов Самарқандга қайтгач, дастлаб шифер ва тунукага бўлган эҳтиёжни ўрганди. Қаранг, биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида 65 та йирик шохобча бу маҳсулотлар савдоси билан шуғулланар, ҳар йили уларда 2,4 миллион квадрат метр шундай қурилиш ашёлари сотилар экан. Бундан ташқари, давлатга қарашли қурилиш ташкилотлари томонидан йилига ўртача 2,1 миллион квадрат метр ҳажмида том ёпиш ишлари бажарилиши ҳам маълум бўлди.

— Агар биз Самарқандда бетонли черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, хомашё тўлиқ ўзимиздан чиқади, — дейди у ўз мулоҳазаларини баён этиб. — Завод қуввати эса вилоят бўйича том ёпиш ашёларига бўлган эҳтиёжнинг еттидан бир қисмини қондира олади. Унинг афзаллиги фақат шундангина иборат эмас. Бир квадрат метр шифер нархи 1800 сўм бўлса, шунча миқдордаги черепица 1200 сўмга тушади. Ҳозир Ўзбекистонда сотилаётган шиферларнинг 40 фоизи хориждан олинаяпти, қолган 60 фоизи учун ишлатилаётган хомашё ҳам четдан валюта ҳисобига келтирилмоқда. Шифер тайёрлашда ишлатилаётган асбестнинг экологик жиҳатдан зарарлиги жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида аниқланган бўлиб, ундан фойдаланиш тақиқланган. Шунга қарамай, шифер ва асбест учун Самарқандниг ўзида ҳар йили 6 миллион АҚШ доллари сарфланади. Оқ ва қора рангдаги тунука эса тўлиқ Россиядан олинади. Агар черепица заводи ишга тушса, бу турдаги материалларга сарфланган харажат саккиз марта қисқаради. Бундан ташқари, биз завод қувватининг 65 фоизи миқдоридаги материални экспорт қилиш юзасидан шартномалар тузиб қўйганмиз.

Тадбиркор яна Чехия ва Германияга бориб, «ПСП инжиниринг», «Келлер», «Делта инжиниринг», «Марц Ц.З.» фирмалари ишини қайта-қайта ўрганган, шундай хулосага келди. Шу асосда «Гулобод» масъулияти чекланган жамияти черепица заводи лойиҳаси» тендерини эълон қилди. Унда юқорида номлари тилга олинган фирмалар ҳам қатнашди. Ниҳоят, тендер голиби — Чехиянинг «Марц Ц.З.» фирмаси билан 1512800 АҚШ доллари миқдорида инвестиция шартномаси тузилди. Республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига зарур бўлган барча ҳужжатлар топширилди. Аммо орада уч йил ўтса-да, ҳамон натижа йўқ.

Банк мутахассисларининг фикрича, черепица ишлаб чиқариш мамлакатимиз учун янгилик. Янгилик эса ўзига ҳамиша ҳам осонликча йўл очолмайди. Тўғри, черепица тўлиқ маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Бу унинг ишлаб чиқариш таннархини пасайтиради, қанчадан-қанча четга кетаётган валютамизни тежаб қолади. Буларни тушунтириш учун, албатта, реклама хизматини кучайтириш зарур.

Улар мана бу фикрни ҳам айтишди: экспорт маъсаласига келганимизда эса, йўл харажатининг ошиб кетиши бизни бироз ўйлантираяпти. Ҳозир биз черепица заводи билан боғлиқ ҳужжатларни синчиклаб ўрганаяпмиз. Яқин орада уни махсус комиссия муҳокамасига киритиш ниятидамиз.

Демак, Миллий банк мутахассислари ҳадемай ўз хулосасини айтади. Бу хулоса уч йилдан буён елиб-югураётган Акрам Ниёзовни қаноатлантирадими? Аниқроғи, банк ташаббускор тадбиркорга ёрдам қўлини чўза оладими? Айни шу савол ўз жавобини кутмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Қашқадарё вилояти Касби туман ҳокимлиги, "Пахтакор" жамоа хўжалиги, 1-академик лицей ва 41-ўрта мактабда ўтказилган учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А.Саидов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий янгиланишларнинг аҳамияти ҳамда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги мақсад ва вазифалар, иккинчи чақириқ Олий Мажлис таркиби, шунингдек, Парламентда янги ташкил қилинган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг фаолияти ҳақида йиғилганларга атрофлича сўзлаб берди.

Учрашувлар чоғида, ижтимоий-иқтисодий жабҳада ҳамда таълим соҳасида туман доирасида ҳал этилмаган айрим муаммолар хусусида ҳам гап борди. Уларни ҳал этиш борасида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**(ЎзА).**

*Диққат, янги рукн:*

## «Илдизлари теран дарахт»

***Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда ўзбеклар билан ёнма-ён ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган 130 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20 фоизга яқин. Биз ана шу маънода Ватанимиз — Ўзбекистонни улкан дарахтга, у баҳра олаётган илдизларни эса шу маконда истиқомат қилаётган юзлаб миллат ва элатларга қиёс қилдик. Унинг илдизлари қанчалик сершох, бақувват бўлса, ерга чуқур ботса, дарахт ҳам шунчалик соғлом, ўктам ва улуғвор бўлиб ўсади. Янги рукнимизни «Илдизлари теран дарахт» деб атаганимизнинг ҳам боиси шунда. Газетхонлар у орқали мамлакатимизнинг барча туман, шаҳар ва вилоятларида ягона умуммиллий юз — мустақил Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун сидқидилдан меҳнат қилаётган кўплаб миллат ва элат вакилларининг турмуш тарзи, хилма-хил ўй-хаёллари, умумий мақсадлари, таклиф-мулоҳазалари билан танишиш имконига эга бўладилар.***

***Унинг дастлабкисини Андижон вилоятидан бошладик.***

2-саҳифага қаранг

*Диққат: бевосита мулоқот*

## АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!



**Муҳтарам газетхон! Шу йил 6 апрелда соат 10.00 дан 12.00 гача «Халқ сўзи» — «Народное слово» газетхонлари учун**

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Ғофурович НАЗИРОВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.**

Агар соғлиқни сақлаш масалалари билан боғлиқ саволларингизга шахсан вазирдан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша куни, қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг:

**(8-371) 144-10-33 ёки (8-3712) 41-16-80.**

Айни пайтда вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 9.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371) 133-09-85 га йўллашингиз ёки (8-371) 132-12-08 рақамли телефон орқали оғзаки тарзда баён этишингиз ҳам мумкин.

***Бевосита мулоқотга марҳамат!***

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:

*Илдизлари теран дарахт*

# БАҲРАМАНДЛИК

**Рустам ТИЛЛАБОЕВ, вилоят ҳокими ўринбосари:**

— Мамлакатимиз Конституциясида: «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», дейилган. Бу юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг тенг ҳуқуқли эканлигини англатади. Ҳар бир кишининг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар, ҳаётнинг барча неъматларидан баҳраманд бўлиб яшашга ҳақли эканлиги қонун билан кафолатланган. Шу боис ҳам республикамизда барча миллат ва элатлар аҳиллик, уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, мустақилликни янада мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Буни вилоятимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Қаерда дўстлик, биродарлик ришталари чуқур илдиз отса, ягона мақсад сари дадил қадам ташланса, ўша ерда барака бўлади, юрт яшнайди, эзгу-мақсадлар ушалади. Бу оддий ҳақиқатни Андижоннинг табаррук тупроғидан, суви, қуёши, мусаффо ҳавосидан баҳра олаётган қирғиз, рус, уйғур, корейс ва бошқа миллатга мансуб бўлган минглаб кишилар яхши тушунадилар. Вилоят ҳокимлиги уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, урф-одатлари ва анъаналарини равнақ топтириш, тили ва маданиятини юксалтириш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдалар. Чунончи вилоят ҳокимининг «Миллий маданий марказлар фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори ана шу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Айни кунларда Андижонда уйғур, корейс, қирғиз, арман, рус миллати вакилларининг миллий маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, бир гуруҳ ташкилотлар марказларга ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқишди. Жумладан, «Андижон» деҳқончилик саноат фирмаси уйғур миллий маданий марказига, Хўжаободдаги Мадиёров номли агрофирма қирғиз, «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси корейс, «Андижонбанк» акционерлик тижорат банки арман миллий маданий марказига ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олди.

Вилоятда ўзбеклар билан ёнма-ён 90 мингга яқин қирғизлар, 30 мингдан ортиқ тожиклар, 20 мингдан ортиқроқ руслар, 20 мингга яқин уйғурлар, 2 мингдан ортиқроқ корейслар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Халқлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларда марказнинг тутган ўрни муҳим аҳамият касб этади. Унинг ташаббуси билан Андижонда ўтказилаётган тадбирларда Ўш ва Жалолобод вилоятларининг, айни дамда Ўш ҳамда Жалолободдаги тадбирларда андижонликларнинг фаол иштироки таъминланмоқда. Қўшни мамлакатларда аҳоли санъаткорлар, фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчиларнинг чиқишларини мириқиб томоша қилиш, суҳбатларини тинглашдан ташқари қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, йўлсозлик, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ходимларининг бой тажрибалари билан ҳам яқиндан танишадилар, фикр алмашадилар.

Кейинги йилларда корейс миллий маданий маркази иши анча жонланди. Турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш анъанага айланди. Корейсларнинг Ўзбекистонга кўчиб келганлигининг олтмиш йиллиги вилоят жамоатчилиги томонидан кенг нишонланди. Корейсларнинг ҳосил байрами тантаналари умумхалқ сайлига айланиб кетди. Андижон қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг профессори А. Каннинг «Андижон вилояти корейслари» китоби нашрдан чиқарилди.

Вилоятда истиқомат қилаётган корейсларнинг ўз тарихий ватанларидаги миллатдошлари билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда табиийки вилоятда фаолият кўрсатаётган ўзбек-корея қўшма корхоналарининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Республика ва вилоят қирғиз миллий маданий марказлари ташаббуси билан қирғиз тилидаги адабиётлар тақдимотига бағишлаб ўтказилган маросимлар вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида эътиборга лойиқ воқеа бўлди.

Вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳам барча оммавий, сиёсий, бадиий кўнгилочар тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда кўп миллатликка эътиборни қаратмоқда. Уйғур, қирғиз, тожик, корейс, рус халқ дасталари санъат мухлисларига сидқидилдан хизмат кўрсатаяпти. Андижон шаҳридаги «Андиана», Пахтаобод туманидаги «Отуш» (уйғур), Марҳамат туманидаги тожик, Жалолқудуқ ва Қўрғонтепадаги қирғиз дасталарининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Бугунги кунда Андижонда яшаб, меҳнат қилаётган қайси бир миллат вакили билан суҳбатлашманг, улар ўз тақдирини Ўзбекистон билан, унинг меҳмондўст, меҳнаткаш, очиқ қалбли кишилари билан боғлаганлигига гувоҳ бўласиз.

# ДЎСТЛИК – МЎЪЖИЗА

*(Ўшлик журналистларнинг Ўзбекистон ҳақидаги гурунгидан)*

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:**

– Дўстлик, дарҳақиқат, мўъжиза. У инсон қалбидан фавворадай қайнаб, отилиб чиқадиган энг гўзал туйғу. Дўстлик, билсангиз, дунёнинг устуни, — дея гап бошлади «Ўш садоси» газетасининг муҳаррири, таниқли адиб ва драматург Абдуғани Абдуғофуров.

...Қизиқ ҳолат. Ҳали биз суҳбат мавзусини келишиб олмагандик. Бироқ, гап дўстликдан бошланди ва шунинг ўзи бўлажак мулоқот йўналишини белгилаб берди.

— Халқларимиз ўртасидаги биродарликка лол қоламан. Бу улкан меҳр-оқибат, жигаргўшаликни узоқ йиллардан буён кузатиб келаман. Мени ҳайратга солгани бу дўстликда заррача сохталик, расмиятчиликнинг йўқлигидир. Икки миллатнинг улуғ фарзандлари жипслашса ўз-ўзидан уларнинг ортидан халқлар ҳам иноқлашиб, ҳамжиҳат бўлиб бораверар экан...

Буни англамаслик, тан олмаслик ўзликни унутиш билан баробар. Ўзбек ва қирғиз халқлари ҳақида гап кетганида, албатта, Чингиз Айтматов ва Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ва Суймонқул Чўқморовлар... эсланади. Қадимий дўстлигимизнинг теран илдизлари ёдга тушади.

— Чингиз оғанинг камтарлигига қаранг, — сўзида давом этади Абдуғани ака: «Мен «Асрга татигулик кун»ни тўлақонли роман даражасига етказа олмадим. Роман ёзишни Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировдан ўрганиш керак», дейди у.

— Дўстликнинг икки халқ дилини бир-бирига боғловчи кўприк вазифасини ўташини яқинда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Чингиз оғани қабул қилганларида алоҳида таъкидладилар. Севимли ёзувчимизга Президентнинг бу эътиромидан бошимиз осмонга етди, — дея суҳбатга аралашди «Эхо Оша» газетаси муҳаррирининг муовини, «Вечерний Бишкек» рўзномасининг Ўш ва Жалолобод вилоятлари бўйича мухбири Муҳаммаджон Ҳомидов.

— Ўтган йили Америка Қўшма Штатлари Ахборот хизмати ҳомийлигида ўшлик олти нафар журналист океан ортига сафар қилдик. Демократия тимсоли деб таърифланган қудратли мамлакатнинг ўзига хос ажойиботлари, одамлари билан танишдик. Сафар чоғи бир суҳбат ёдимда муҳрланиб қолди.

Ўша куни Ҳамдўстлик мамлакатлари тараққиёти билан шуғулланувчи ижтимоий институт раҳбари Марта Олькотт хоним қабулида бўлган эдик. Хоним Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатнинг ривожланиш йўли тўғрисида муфассал маълумотга эга эканлиги бизни чуқур ҳаяжонга солди. У ушбу давлатларнинг раҳбарлари фаолиятига баҳо берар экан, Ўзбекистон Президенти номини эҳтиром билан тилга олди.

— Ислом Каримов иқтисодиётни худди поэзиядай нозик ҳис қилади, — деди у, — бозор муносабатларини шакллантиришнинг Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойили жаҳон иқтисодчиларигина эмас, балки сиёсатдонларида ҳам катта таассурот қолдирди.

Ўша топда бир ўзбек фарзанди сифатида қай даражада бошим кўкка етганлигини ифодалаб беришга ожизман. Очиғи, мустақилликнинг ана шу поғонасига келиб кимнинг ким эканлиги, кимнинг сиёсати тўғри-ю, кимники кучлилиги ойнадай равшан бўлди-қолди.

Ўз навбатида, биз ҳам ўз газетамиз орқали Ўзбекистон, хусусан Андижон вилоятида рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида ўшликларни хабардор қилиб турибмиз. «Андижанская правда» газетаси жамоаси билан ахборот алмашиш бўйича ўзаро ҳамкорлигимиз яхши натижа беряпти. Энди бу ижодий мулоқотлар кўлами ва доирасини кенгайтириш ҳақида ўйлашимиз керак. Дўстлар ҳамиша бир-бирларидан ўрганиб, бир-бирларига ўргатиб туришлари фойдадан холи эмас.

# УММИЛЛИЙ ҒОЯ ЙЎЛИДА

# ҚАДР ТОПДИМ

**Галина ХЕГАЙ, Андижон Давлат тиббиёт институти клиник шифохонасининг ходими:**

— Ўзбекларда бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер, деган ажойиб бир нақл бор. Дарҳақиқат, бир дастурхон атрофида меҳмон бўлган кишилар ўртасида кўзга кўринмайдиган ип мисоли меҳр пайдо бўлади. Шахсан мен бунга ўзимнинг ҳаётимда гувоҳ бўлганман. Баъзида узоқдан келган қариндошларим ёки дўстларим «Ўзбекистонда қандай яшаяпсан? Қийналиб қолмадингми?» дея сўраб қолишади. Мен эса уларга «ўз Ватанимда яшаб нима учун қийналишим керак», деб жавоб бераман. Негаки мен яшаш жойимда ҳам, иш жойимда ҳам ўзимни сира ўзга юртлик эканлигимни эсламайман. Аксинча, Андижоннинг туб халқи сингари, деб биламан.

Аслида, мен 1946 йили Қозоғистонда дунёга келганман. Урушдан кейинги йилларда қийинчиликлар бўлган шекилли, икки ёшга тўлган пайтимда ота-онам билан Ўзбекистонга, Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманига кўчиб келган эканмиз. Эсимни танибманки, мен ўзбеклар билан опа-сингилдай бўлиб кетганман. Айтишларича, Ўзбекистондаги корейсларнинг сони ҳозир ўша даврдагига қараганда уч ярим баравар ошган. Ҳамдўстлик давлатларининг бирортасида бундай кўрсаткич кузатилмаган. Ахир, айтинг, бундан ортиқ бағрикенглик, меҳрибонлик бўладими? Ахир, Ўзбекистондан биз қарздор бўлмай, ким қарздор бўлсин. Ёшлигимдаги дугоналаримга ҳам асосан ўзбек қизлари бўлишган. Ўрта мактабдан сўнг, тенгдошларим қатори тиббиёт билим юртини тамомладим. 1968 йили Андижондаги I-туғруқ уйига ҳамшира бўлиб ишга келдим. Бу орада турмушга чиқдим. Тотув оиланинг бекаси бўлдим. 1973 йилдан буён Андижон Давлат тиббиёт институтининг клиник шифохонасида ишлаб келяпман. Бирга ишлайдиган ҳамкасбларим орасида ҳеч ким миллатчилик қилмайди, ҳамфикрлик билан ишлаймиз. Мен ўзбек халқини жуда ҳурмат қиламан. Шу боис ҳам ўзбек тилини тўла ўзлаштирганман.

Яна бир муҳим нарсани айтиб ўтмоқчиман. Юртимизда меҳнат қилган ҳар қандай киши, албатта, қадр топади. Мана, кўп узоққа бормай ўзимни мисол қилиб келтирай. Тиббиёт соҳасидаги 30 йиллик иш фаолиятим туфайли имтиёзли пенсия олаяпман.

# САККИЗ ЙИЛДА САККИЗ МАМЛАКАТДА БЎЛДИМ

**Эдем АБЛАЕВ, педагогика фанлари доктори, профессор:**

— Андижон шаҳридаги биринчи ўрта мактабни олтин медаль билан тамомладим. Сўнгра Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг инглиз тили бўлимида таҳсил кўрдим. Она Ўзбекистонда ўз меҳнатим билан педагогика фанлари доктори, профессор даражасига эришдим.

Инсон нафақат оилада, балки маҳаллада, уни ўраб турган муҳитда тарбияланади. Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам бунда мен туғилиб ўсган Ўзбекистондаги муҳит, умумий вазиятнинг таъсири катта бўлган. Менга устозлик қилган мураббийларнинг миллати турлича. Бироқ улар эътиқоди бир инсонлар бўлишган. Доцент А. Тен — корейс, доцент Р. Полуянова — қозон татари, академик А. Ражабов — ўзбек, профессор Г. Волков — чуваш... Улар мен, яъни крим татарини эмас, балки инсонни тарбиялашга ҳаракат қилганлар.

Мен Ўзбекистондан қарздор эканлигимни доим ёдда сақлайман. Ва бу қарзни узиш учун бутун куч-ғайратимни сарфламоқдаман. 1991 йил, яъни Ўзбекистон мустақилликка эришмагунигача мени бадарға этилган халқ вакили сифатида чет мамлакатларга боришим ман этилган эди. Айтсам ишонмайсиз, республикамиз озод бўлганлиги туфайли атиги 8 йил ичида саккиз мамлакат – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Греция, Туркия, Швейцария, Голландия, Испанияда ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этдим.

Вилоятдаги мактабгача тарбия муассасалари, ўқув даргоҳларида турли миллатнинг юзлаб ўғил-қизлари бир оила фарзанди каби билим олмоқда, ҳунар ўрганмоқда. Тўй ва маъракалар шинам ва файзли қилиб ўтказилмоқдаки, бу ҳақда ҳар қанча гапирсак оз. Худога шукур, тақдиримдан нолимайман. Юртимнинг ютуқларини кўриб кўзларим қувонади.

# САНОАТ МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДАМИЗ

**Сейрон УСЕИНОВ, «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасининг бўлим бошлиғи:**

— Ёшим 42 да, Худога шукур оилам, уч нафар фарзандим бор. Миллатим татар, ватаним Ўзбекистон. Тақдиримдан асло нолимайман. Аксинча Ўзбекистонда туғилиб, вояга етганимдан қувонаман. Ўзбек тилида яхши гапироламан. Ахир бу менинг она — ватаним, жонажон қўшниларим, дўсту-биродарларимнинг тили-да! Аслида мен кўҳна Шаҳрихонда туғилиб, вояга етдим. Томск муҳандислик-қурилиш институтининг механика факультетини битириб, 1982 йилда Асака шаҳридаги собиқ прицеплар заводига ишга кирдим.

Ифтихор билан айтаманки, республикамиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан прицеплар заводи ўрнида мутлақо янги, Марказий Осиёда ягона «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонамиз қурилди. Ниҳоятда қисқа вақтда 2,5 йилда жуда катта бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бу озод ва обод Ўзбекистоннинг салоҳияти кўп нарсага қодир эканлигини кўрсатди. Ўзим ҳам ана шу тарихий жараёнда иштирок этганимдан мамнунман. Бизни бежирим, ихчам, тезюрар «Нексия», «Дамас», «Тико»ларимиз дунёга танитди. Автомобилсозликка эга бўлган ривожланган давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам жаҳон бозорида ўз ўрнини топди.

Корхонамизни дўстлик бунёд этди, десам адашмайман. Ҳозирда ҳам 14 миллат вакили — 4 мингга яқин ишчи-хизматчи бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасида татар, рус, тожик, қирғиз, корейс, уйғур, туркман, озарбайжон, осетин, украинлар бор. Бизда ҳеч ким миллат ажратмайди. Аксинча меҳнат ва иқтидорига яраша рағбатлантиришади. Бошқа мамлакатларда очарчилик, уруш, ўзаро торттортлар авж олаётган бир пайтда ҳур Ўзбекистоннинг ҳар куни байрамга айланмоқда. Демак, республика ҳукумати, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг элим деб, юртим деб ёниб яшаётгани, халққа хизмат қилаётганлиги яққол сезилмоқда. Бундан барчамиз ибрат олишимиз керак!

Ўйлаб кўринг, Ўзбекистон илгари асосан аграр республика эди. Мустақиллик шарофати билан у қисқа вақтда Марказий Осиёдаги саноати, ишлаб чиқариши ривожланаётган давлатга айланмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, келгусида ҳам юртимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ришталари асло сусаймайди. Аксинча ривожланаверади.

# ЯНГИ ҚИРРАЛАР

**Г. МАШУРОВ, вилоят Арман миллий маданий марказининг раҳбари:**

— Марказимиз вилоятда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бирор тадбиримиз йўққи, у барча миллат вакилларининг умумбайрамига айланмаган бўлсин.

Марказ 1994 йили ташкил этилди. Шундан буён вилоят иқтисодий-ижтимоий ҳаётига дахлдор барча тадбирларда изчил иштирок этиб келаяпмиз.

Бундан ташқари, республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги арман миллий маданий марказлари билан ҳам алоқа ўрнатганмиз. Айниқса, Самарқанд вилояти маркази билан алоқаларимиз тобора такомиллашиб бораяпти. Икки вилоят ўртасидаги марказларнинг тажриба алмашиши анъанага айланди. Ана шундай тажриба алмашишлар орқали Андижон шаҳридаги 2-ўрта мактабда арман тилини ўргатувчи синф ташкил этилди.

Марказимизда тез-тез «Ўзбекистон ва Арманистон ҳақида нималарни биласиз?» мавзусида викториналар ташкил этилмоқда. Голиблар марказ томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланади. Қизиғи шуки, ана шундай викторналарда арманлар, руслар ва бошқа миллатлар қаторида ўзбеклар ҳам фаол иштирок этишаяпти. Куни кеча ўтказилган ана шундай тадбирда ўзбек фарзанди Н. Акбаров ғолиб чиқди. Демак, марказимиз ўзбек ва арман миллатлари ўртасидаги дўстликнинг янги қирраларини кашф этаётир.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Азиз газетхон, мана Сиз Андижон вилоятида истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг айримларининг фикр-мулоҳазалари билан танишдингиз. Гувоҳи бўлганингиздек, улар юртимиз тинчлигини, тараққиётини чин дилдан исташади, қалблари шукроналик ҳис-туйғулари билан лиммо-лим. Биз ким билан суҳбатлашмайлик, сўзларига қулоқ солмайлик миннатдорчилик изҳор этишди. Уларни тинчлик-омонлик, мустақиллик боис эришилган ёруғ кунларнинг қадрига етиш, қўлга киритилган улкан ютуқларни эътироф этиш, Ватанни улуғлаш каби умуммиллий ғоялар бирлаштириб турибди. Зеро, бу бизнинг, сизнинг ва ҳаммамизнинг эзгу ҳамда ягона мақсадимиздир.***

**Қиёмиддин НАЗАРОВ ва «Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВлар тайёрлашди.**

# ТАСАВВУР ВА ТАФАККУР

**Бундан буён давлат, тузум, жамият, мулк, ҳуқуқ, тарих, миллат, қадрият ва шу каби қўплаб масалалар бўйича эски тасаввурлар билан яшаб бўлмаслиги аён. Хўш, тасаввурларимизнинг қай бирлари эски? Улардан қандай қутуламиз? Янги тушунча ва қарашларни шакллантириш учун нима қилиш керак? Сиёсий, иқтисодий, маънавий онгни ўзгартиришдан кўзланган бош мақсад нима?.. Бугун бу саволлар маънавият ва маърифат ходимларини, миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботчиларини, сиёсатчиларимизни ишлаш-изланишга, янги-янги йўл-йўриқ ва усуллар кидиришга ундаяпти.**

Энг яхши йўл — бевосита ҳаёт ичига кириб бориш, одамлар билан юзма-юз туриб, миллий ғоя ва миллий мафкурамиз, унинг аҳамияти ва бугун учун зарурати хусусида сўзлашиш.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши шу мақсадда пешқадам зиёлилардан иборат жамоатчи тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ташкил этди. Бу гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар бўйлаб муҳим ва долзарб маънавий-маърифий мавзуларда турли учрашув ва суҳбатлар ўтказади, маърузалар қилади.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбарининг муовини, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими, исломшунос Зуҳриддин Ҳусниддинов, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Зуҳриддин Исомиддинов, "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси ижрочиси директори, юридик фанлари номзоди Бобоқул Тошевлардан иборат гуруҳ Фарғона водийси вилоятларида "Миллий ғоя ва миллий мафкура — келажак йўли" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуини ўтказиб қайтди.

Тарғиботчилар аввал "Онгни ўзгартириш — туб мақсад. (Миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботи таъсирчанлигига эришиш йўлида)", "Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши", "Ўйлаб гапирсанг ҳам — ўйлаб гапир (Миллий мафкура аҳамияти ва мафкурасизлик фожиаси)", "Ҳуқуқий онг равнақи — маънавий баркамоллик белгиси сифатида" мавзуларида турли туманларда маъруза қилдилар. Кейин вилоят марказларидаги йирик залларда барча туманлардан келган вакиллар ҳузурида суҳбат қурдилар.

Одамлар мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий ғоя ва миллий мафкурани кучайтиришга, миллий ғоя ва миллий мафкура такомили эса сиёсатимизни янада мустаҳкамлашга омил бўлаётганини дилдан ҳис этдилар.

Аҳоли ҳузурида миллат ва халқ тақдири ҳақида, ўзгараётган тезкор замон билан ҳамқадам бўлиш аҳамияти хусусида сўзлашишнинг самарали таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Буни тадбирлардаги иштирокчилар фаоллиги, қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоблар ҳам тасдиқлаб турди.

**Мурод ҲОШИМОВ, (ЎзА).**

# "СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ – 2000"

**"Ўзэкспомарказ"да 11-14 апрел кунлари "Соғлиқни сақлаш -2000" кўргазмаси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Соғликни сақлаш вазирлигида матбуот анжумани ўтказилди.**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада такомиллаштириш ва жаҳон андозалари даражасига кўтариш, шифохоналарни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда аҳолини дори-дармон билан таъминлаш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президент Ислом Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ҳам қабул қилинган. Айни пайтда ушбу дастур ижро қилинаётир. Жорий йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши эса бу борадаги ишларни янада фаоллаштирди.

"Соғлиқни сақлаш – 2000" анъанавий кўргазмасини ташкил қилишдан мақсад ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, энг сўнгги тиббий асбоб-ускуналар билан танишиш ва уларни мамлакатимизда тадбиқ қилишни йўлга қўйишдир. Шунингдек, кўргазмага ташриф буюрганлар тадбир давомида ўтказиладиган семинарларда иштирок этиши, шартномалар тузиш бўйича маслаҳатлар олиши мумкин.

Олтинчи бор ўтказиладиган халқаро кўргазмада Германия, Буюк Британия, Исроил, Италия, Швейцария, Россия, Финляндия ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг элликдан ортиқ фирма ва компаниялари иштирок этади. Улар орасида "Сименс", "Женерал электрик", "Карл сторз" каби жаҳонга машҳур фирмалар бор. Тадбирда мамлакатимиздан "Ўзфармсаноат" компанияси, "Медиз" қўшма корхонаси, "Кетгут-силк" ҳиссадорлик жамияти каби муассасалар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётгани эътиборлидир.

**(ЎзА)**

# ПИЛЛАЧИЛАР ИШГА КИРИШДИ

Навоий вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмаси жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича амалий ишларни бошлаб юборди. Жумладан, 470 минг туп тут кўчати ўтказилиб, тутзорлар 50 гектарга кўпайтирилди. Жорий йил ҳосилини қабул қиладиган 11 та пунктда ишлатиладиган агрегатлар таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари ипак қурти боқишда ишлатиладиган 55 тонна ўрама қоғоз ва 2000 кг фармалин тайёрлаб қўйилди.

Бу йилги мавсумнинг ўзига хос жиҳати шундаки, мавжуд тутзорлар шартнома асосида пудратчиларга бўлиб берилди. Бундай тадбирлардан мақсад — бирлашма бўйича 15 минг қути ипак қурти боқиб, 725 тонна саноат хомашёси етиштириш.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

*Акс-садо*

# «БУ ҚАЙСИ БЕКАТ?»

«Халқ сўзи» газетасининг 2000 йил 22 феврал сонида шу сарлавҳа остида чоп этилган мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасида кўриб чиқилди.

Ҳақиқатдан ҳам мақолада долзарб мавзу илгари сурилган.

Бугунги кунда «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси транспорт корхоналаридаги мавжуд ҳаракат воситаларининг 60 фоизи 10 йилдан ортиқ фойдаланишда бўлиб, хизмат муддатини ўтаб бўлган. Шу муносабат билан транспорт воситаларидаги радио қурилмалари ишдан чиқиб, таъмир талаб бўлиб қолган. Фақатгина «Мерседес-Бенц» русумли автобуслардагина бу қурилмалар ишчи ҳолатида. Шу сабабли транспорт воситаларини янги радио қурилмалари билан жиҳозлаш мақсадида, хориж ва республика корхоналари билан мулоқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда мавжуд радио қурилмалардан унумли фойдаланиш, йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини ошириш мақсадида ҳайдовчи ва чиптачилар билан бекатлар номини эълон қилиб бориш, йўловчилар билан муомала маданиятини юксалтириш юзасидан махсус йўриқнома ўтказилди.

Ҳайдовчи ва чиптачиларга ойлик иш ҳақи тўлаш низоми, хизмат маданиятини юксалтириш билан боғланган устама тўловлар миқдори қайта кўриб чиқилмоқда.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси бундан буён ҳам хизмат маданиятини юксалтиришни доимий назоратда тутади.

**Р.УСМОНОВ, бошқарув раисининг ўринбосари.**

# РЕКТОРЛАР КЕНГАШИ

Тошкентда республикамиз олий ўқув юртлари ректорларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ватанимизда олий таълимни янада ривожлантириш ва ёшларни замон талаблари асосида тарбиялашни такомиллаштириш соҳасида олдинда турган масалалар муҳокама қилинди. Худди шу масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашида қилган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга доир — республика олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломовнинг, Тошкент Давлат юридик институти ректори Ҳ.Бобоевнинг олий ўқув юртларида диний экстремизм ва ақидапарстлик иллатларининг олдини олиш бўйича амалий тадбирларни кучайтириш ҳақидаги ва Самарқанд Давлат университети ректори Р.Холмуродовнинг «Устоз» жамғармаси орқали ва бошқа йўлланмалар асосида хорижий давлатларнинг нуфузли таълим марказларида мамлакатимиз профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишга бағишланган маърузалари моҳиятини ташкил этди.

Музокарада Андижон Давлат тиллар педагогика институти ректори М.Умархўжаев, Наманган Давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходими О.Бўтаев, Олий ва ўрта мактаблар муаммолари институти директори Э.Имомов ва бошқалар сўзга чиқиб, анжуманда муҳокама қилинган масалалар бўйича бир қатор амалий таклиф-мулоҳазаларни илгари сурдилар.

Йиғилишни Ректорлар кенгаши раиси, академик Т.Миркомилов бошқарди ва якунловчи маъруза қилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимизда Шимолий Атлантика блокининг (НАТО) илмий қўмитаси делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлди.

Ўзбекистоннинг НАТО билан ҳамкорлиги тобора ривожланмоқда. Бу алоқалар нафақат ҳарбий, балки илмий соҳада ҳам намоён бўлаётир. Ҳозир мамлакатимиз Фанлар академиясининг баъзи институтларида НАТО грантлари асосида бир қанча илмий лойиҳалар амалга ошириляпти. Бу ҳамкорлик истиқболли бўлгани сабабли айни пайтда икки томон ҳам ўзаро алоқаларни кенгайтиришга қизиқиш билдирмоқда.

НАТО илмий қўмитаси мамлакатимиз институтлари ҳодимлари томонидан тайёрланган айрим илмий лойиҳаларга катта қизиқиш билан қараётир. Шу сабабли қўмита улардан баъзиларининг ижросини маблағ билан таъминлашни мўлжаллаган. Фанлар академиясидаги учрашувда делегация аъзолари академия институтлари раҳбарлари ва етакчи олимлари билан шу масалалар юзасидан фикр алмашди. Шунингдек, учрашувда биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш истиқболлари муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

*Менга сўз беринг*

# ФЕРМЕРЛАР ИМКОН ИЗЛАР

Юртбошимизнинг Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи ҳаммамизни изланиб ишлашга даъват этади. Дарҳақиқат, ислоҳотларни чуқурлаштириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар бир дунё. Мен ҳам ўзимни ўйлантирган ўй-фикрларни газетхонлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Менинг фикримча, давлат томонидан ажратилаётган нефт маҳсулотлари, минерал ўғит, шрот ва омухта ем, уруғликлар лимит (фонд)лари тўхтатилиб, уни бевосита сотувчиларнинг ихтиёрига фақат соҳалар бўйича тақсимлаб берилса ҳамда истеъмолчиларнинг бизнес режасига асосан йилда бир марта сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида шартнома тузилса, деган таклифни ўртага ташламоқчиман. Фикримча, шундай қилсак, тақсимотчилар томонидан содир этилаётган тўрачилик, таъмагирлик, порахўрлик, адолатсизлик иллатларига кескин зарба бериларди. Маҳсулотлар ўз вақтида ва тўлалигича олинарди.

Иқтисодий жиҳатдан оёққа турмаган, янги ташкил этилган фермер хўжаликлари жамоа хўжаликларининг эскирган техника воситаларини сотиб олиб, таъмирлаб ишлатмоқда. Амалда эса бу техника воситаларини ишлатмасликка мажбурланмоқда. Натижада жуда кўп техника воситаларини чет республикаларга сотиб юборишмоқда. Назаримда, бизда ҳам шундай техника воситаларини муайян тартибга асосан ҳужжатлаштириш йўлга қўйилса, яхши бўларди. Шунда фермерлар янги техникани сотиб олиш имкониятига эга бўлгунча қийналиб қолишмасди.

**А. МАДАМИНОВ, Бағдод туманидаги А. Мадаминов номли фермер хўжалиги раҳбари.**

*Хотира ва Қадрлаш куни олдидан*

**Паҳлавон Маҳмуднинг пир сифатида ардоқланишининг боиси унинг ботирлиги, кураш қонун-қоидаларини пухта билганлиги, беқиёс маҳорати ёхуд рубоийятда Умар Ҳаёмдан кейин турадиган чуқур фалсафий асарлар яратган шоирлиги учунгина эмас, энг эзгу фазилатлар тимсоли бўлмиш жувонмардлик тариқатининг Хоразмдаги машҳур намояндаси, раҳнамоси эканлиги ҳамдир. Агар Паҳлавон Маҳмудгача бўлган даврда полвонларимиз кураш майдонига, ё Шоҳимардон, деб тушган бўлсалар, кейинчалик унга қўшиб Полвонпир номини ҳам айтадиган бўлдилар.**

**Қадимдан Хоразмда жуда кўп донг таратган, елкаси ерга тегмаган полвонлар ўтган. Шулардан бири янгиариқлик Қаландар полвондир. Катта-кичик давраларда кураги ерга тегмаган Қаландар полвоннинг невараси, техника фанлари доктори, профессор П.Қаландаров бобоси ҳақида шундай ҳикоя қилади:**

# БОЛА ПОЛВОННИ БИЛАСИЗМИ?

— Полвонов Қаландар (Қаландар полвон) 1897 йил 27 августда Хоразм вилояти Хива тумани Саёт қишлоғидаги Болтаҳовуз элатида деҳқон оиласида дунёга келган. Отаси Полвон Қиличев вафот этганида Қаландар жуда ёш бўлган. Турмуш тақозоси билан онаси Пошша Отажонова иккаласи Янгиариқ туманидаги Шихбоғи қишлоғига келиб у ердаги қариндошлари хонадонида яшай бошлайди. Дойиси Матёқуб бобо жуда зийрак, эътиборли одам эди. Жиянидаги табиий хислатларни сезиб, ихлос билан тарбиялайди. Қаландар 12 ёшга кирганда унинг полвонлик истеъдоди ёрқин намоён бўлади. Қишлоқда фақат тенгқурлари эмас, 4-5 ёш катталар ҳам унинг ёқасини ушлашга журъат қилолмасдилар. Қариялар билан суҳбат чоғида ажойиб устозлари Абдуёз бобо, Мадиёр, Аваз балиқчи каби полвонлардан таълим, воҳанинг энг нуфузли пири Машариф-хон пирдан фотиҳа олганини, Қаландар полвонни кўпчилик Бола полвон деб аташларини билиб олдик.

Ҳақиқатдан ҳам, Гурлан, Қўшкўпир, Урганч томонларда уни Бола полвон деб эслашади. Қаландар полвоннинг Бола полвон деб ном олишининг қизиқ тарихи бор: 1911 йилда Урганч шаҳрида Ражаббой деган бой катта курли тўй беради. Бош полвон ўртага чиқиб, рақибини кутади. Шунда 14 яшар Қаландар чакмонини кияди, ҳакамларнинг олдига келиб салом беради. Урганч ҳокими Оллазарбой унинг бош полвонга чиқишини рад этади. Юраги тўлиб турган Қаландар нияти қатъийлигини билдиради. Бош полвонга бошқа талабгор бўлмаганлиги учун ноилож рухсат берадилар. Шиддатли олишув бошланади. Бир алпозда Қаландарнинг тиззаси ерга тегади. Ҳоким уни енгилганга чиқаради. У пайтларда тўйлар ҳафталаб давом қиларди. Эртаси куни яна ўша икки полвон даврага тушади. Қаландар рақибини силтаб отади. Ҳоким Оллазарбой, «Сен бола полвон, зўр экансан-ку», дейди. Шунда Қаландар полвон, «Ҳоким бобо кеча мани манаву полвон енгмади, сиз сўз билан йиқдингиз», — деб жавоб беради. Гапдан таъсирланган ҳоким унга бир лаган тилла беради, обрўли икки одам қўшиб, катта курдан бола полвоннинг пулини йиғишга буюради. Бола полвон 2 қоп қоғоз пул ва тилани эл катхудолари олдига қўйиб, етимесирларга тарқатишни сўрайди. Шу даврада ўтирган питнаклик Машарифжон пир Қаландар полвонга фотиҳа беради ва уни Бола полвон деб эълон қилади. Ёш полвоннинг бу ҳиммати тезда тилларда достон бўлиб, хонлик салтанатига етади. Шу алпозда Қаландар полвон хон полвонлари сафига қўшилади.

Тарихий ҳужжатларда шундай маълумотлар келтирилади: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий раҳбарлигида тузилган труппада Бола Бахши, Шерозий, Анабиби қори, Аваз халфа ва бошқа санъаткорлар билан бирга Қаландар полвон ҳам фаол иштирок этган. Хўжайлида хайрия томошалари уюштирилади. Тушган барча пулларни мактаб ва интернатлар учун топширадилар. Ёшлигидан саҳоватпешаликка эътиқод қўйган Қаландар полвон тўйларда тушган пулларни ҳам ғариб-мухтожларга сарфлайди. У сафардан келганида уйи тўйхонага айланарди деб эслашади қариялар. Бу ўзига хос тўйга етим-есирлар, ғариб-бечоралар келишарди. Бировнинг кўзида ёш, юзида ғам кўрса, дардига малҳам бўларди, ҳеч кимдан ҳайиқмай жабрдийдаларнинг ёнини оларди.

Ана шундай фазилатлари учун халқнинг меҳрини қозонган Полвон, элга бирор сўз айтса, асло ерда қолмасди, халқни ўзига эргаштира биларди. Ниҳоят, у бригада бошлиғи бўлди, юқори ҳосил етиштиришга эришди, республика пахтакорлари қурултойига қатнашди. Кейинчалик эса қишлоқ кенгашининг раиси вазифасида ишлади. Қаландар полвон бу вазифаларни намунали бажарса ҳам, унинг раҳбарлик салоҳияти сув хўжалиги мироблигида айниқса яққол намоён бўлди.

У жамоат ишлари билан қанчалик банд бўлса ҳам кураш майдонини тарк этмади. Полвонликнинг ҳам ўзига хос сир-асрорлари бор. Энг ташвишлиси, ким билан майдонга тушиш полвоннинг ихтиёрида бўлмайди. Гоҳида ким кимни енгишда тарафкашлик баҳсига айланади. Бу баҳсга раҳбарлар аралашса, полвоннинг тақдири қил устида қолади. Шундай воқеа Боғотда бўлиб ўтади. Даврининг таниқли полвонларидан бири Тўра полвон қамоқда ётганида унга, бу Қаландар полвон боғотлик барча полвонларни йиқитди, ўртага чиқадиган одам қолмади. Агар Қаландар полвонни йиқсанг, сени турмадан озод этамиз, йиқилсанг, турмада чиритсан, дейдилар. Шунда Тўра полвон майли мен роиман, фақат бу ердан ҳозироқ чиқаринглар, бир-икки тўйда Қаландар полвоннинг усулларини кўрайин, дейди. Рози бўладилар. Тўра полвон Қаландар полвоннинг ёнига келиб, сен билан кураш тушаман, йиқилсанг, мени қамоқдан озод қиладилар, дейди. Қаландар полвон менинг йиқилишим сени қамоқдан озод қилса, кўнглингни тўқ тутиб кетавер, дейди. Бу суҳбатдан огоҳ бўлган дўстларидан бири, Қаландар бу гапни яхшилаб ўйлаб кўр, сен йиқилганинг билан Тўра полвонни икки дунёда ҳам қамоқдан озод қилмайдилар. Сенда ўчи борлар оз дейсанми, йиқилиб, обрўйинг тушгандан кейин бир баҳона топиб, ўзингни қамаб ташлайдилар, дейди.

Тўйда бош совринга Қаландар полвонга қарши Тўра полвон чиқди. Қаландар полвоннинг шаштини сезган Тўра полвон секингина, сенга ишондим, дейди. Қаландар полвон, ишонганинг яхши, мен йиқилсам, иккаламиз ҳам турмада чиримиз, йиқсам сени қутқарадиган одам озодликда бўлади, деб ёнбош уради ва Тўра полвонни йиқади. Бу каби воқеалар полвонларимиз қандай замонда, қандай аҳволда яшаганини кўрсатиб турибди. Қаландар полвон барча қаршиликларни ўз куч-қудрати ва ақл-идроки билан енгиб ўтган инсондир. Унинг биргина ишончи, биргина суянган тоғи бор эди, бу ўзи бутун вужуди билан севган халқи эди. У бу ишончида адашмади. Эл-юрт то умрининг охиригача уни ардоқлади, эъзозлади, ҳимоя қилди.

Қаландар полвоннинг оилавий ҳаёти ҳам шон-шуҳратига яраша гўзал бўлган. Умр йўлдоши Бекпошша Қаландарова меҳрибон ва садоқатли аёл эди. Етти фарзанд кўрдилар. Фарзандлари, невара ва чевaралари бузрук отага муносиб бўлиб яшаяптилар. Улар орасида олимлар, мутахассислар бор. Туман аҳли Қаландар полвоннинг хотирасини абадийлаштириш бўйича анча ишлар қилди. Қаландар полвон номидаги соврин учун катта кураш мусобақаси ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Унинг ўзига муносиб Сотим кўса, Норбой, Собур ота, Абул туя, Абдулла Ёқуб, Абдураим, Солай полвон каби ўнлаб шуҳратли шогирдлари ва Жума Оташев, Рўзимат Холов, Собир Бобожонов, Болта Давлат, Жуманиёз Ёқубов, Бобо Қурёз, Иброҳим полвон, Абул полвон, Матёқуб Ширша, Раззоқ полвон, Қурбонбой полвон, Нурмат полвон, Жонбой полвон, Соат полвон, Мади полвон, Қодир каптар, Ота Иброҳим, Раҳим Ражаб, Юсуф Отажонов каби эл назарига тушган бугунги ёшлар, ҳурмат билан тилга оладиган қадрдон дўстлари бор.

Ҳаёт ўз ҳукмида ҳақ! Ажойиб халқпарвар инсонга узоқ яшаш насиб этмади. У 1945 йил 18 мартда оғир касалликдан сўнг 48 ёшида вафот этди. Ҳа, у жисман қисқа умр кўрди, лекин қилган яхшиликлари, халқпарварлиги, мардлик-матонати, ҳикмати билан боқийликка дахлдор бўлиб қолди.

**«Халқ сўзи» мухбири Озод РАЖАБОВ ёзиб олди.**

*Анжуман*

## МАФКУРА – БОШ МАВЗУ

Миллий ғояни, миллий мафкурани Президентимиз халқни — халқ, миллатни — миллат қиладиган қудратли омил сифатида таърифлаган эдилар. Халқни умумий эзгу мақсад ва орзу-интилишлар байроғи остида бирлаштирувчи умуммиллий ғоялар ҳар бир инсон қалбида, руҳиятида мустаҳкам ўрин олиши айниқса мустақил тараққиётга эришиб, ўзига хос ва ўзига мос янги давлат, янги жамият ва янги иқтисодиётни барпо этаётган Ўзбекистон халқи, унинг янги авлодлари учун алоҳида аҳамиятлидир.

Шу боисдан, Ўзбекистон ёш олимларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги илмий анжуманида айнан шу масала бош мавзу бўлди. Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларида фаолият олиб бораётган ёш олимларнинг ушбу мулоқот даврасида миллий ўзликни англаш ва миллий мафкуранинг, маданий ва диний қадриятларнинг ёшлар маънавий ҳаётидаги ўрни ҳақида қизғин фикр алмашув бўлиб ўтди. Шунингдек, жадидчилик ва миллий мафкура, миллий ғоянинг шаклланишида ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти, Шарқ донишмандларининг иқтисодий ғоялари каби масалалар билан боғлиқ маърузалар ҳам анжуман қатнашчиларида қатта қизиқиш уйғотди.

**М. ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

## МЕРИДИАН

### ҚАСАМЁД 7 МАЙДА БЎЛАДИ

**Россия Марказий сайлов комиссиясининг хабар беришича, мамлакатда ўтказилган президент сайлови натижаси бугун тўлиқ якунланади. 7 апрелда эса у матбуотда ёритилади. Маълумотларга қараганда, сайловнинг расмий натижалари ҳеч қандай ўзгариш ясамайди. Бироқ Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняковнинг хабар беришича, президентликка номзоди қўйилган А. Тулеев билан боғлиқ масала ҳамон очиқлигича қолмоқда. Гап шундаки, Марказий сайлов комиссияси уни сайловда 3 фоиздан ошиқ овоз олганлигига шубҳа билан қараяпти. Шу боис Марказий сайлов комиссияси томонидан Кемерово губернатори учун ажратилган маблағнинг қайтарилиши эҳтимолдан холи эмас, дея хабар беради «Труд» газетаси.**

**Россия қонунчилигига мувофиқ сайлов натижалари расмий эълон қилинган кундан сўнг 30 кундан кейин қасамёд ўтказилиши керак. Мамлакат марказий сайлов комиссияси сайловда ғолиб чиққан Владимир Путин шу йилнинг 7 майида қасамёд қабул қилишини маълум қилди. Шу тариқа В. Путин юксак лавозимдаги расмий фаолиятини бошлайди.**

### ВАЗИРНИНГ ДАЪВАТИ

**Хитой мудофаа вазири Чи Хаотян Афғонистондаги урушаётган томонларни ҳарбий ҳаракатларга чек қўйиш ва тинчлик музокараларини бошлашга чақирди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, у расмий Пекин "Толибон" ҳаракати ва унинг рақиблари билан бир хилда алоқада эканини ҳам тасдиқлаган. Чи Хаотяннинг сўзларига қараганда, Хитой Афғонистоннинг қўшниси ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси сифатида ушбу мамлакатдаги вазиятни диққат билан кузатиб боряпти, лекин унинг ички ишларига аралашгани йўқ.**

**БИР ЧИМДИМДАН...**

**Куба давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, мамлакат мудофаа вазири Рауль Кастро Грамма провинциясида бўлиб ўтган кўп минг сонли митингда отасининг хоҳишига қарши равишда тўрт ойдан буён Майамида ушлаб турилган кубалик 6 ёшлик Элиан Гансалесни ўз Ватанига қайтарилишини ёқлаб чиқди.**

* * *

**Покистонда Яман фуқароси бўлган Аҳмад Абдулла исмли шахс халқаро террорчи Усама бин Лодиннинг экстремистик гуруҳларига алоқадорликда айбланиб қўлга олинди.**

* * *

**Шу кунларда Руандада юз бераётган воқеалар жаҳон аҳли диққатини тортмоқда. Куни кеча мамлакатнинг Синангулу шаҳри суди тутси элатини қатағон қилишда иштирок этган 8 кишини ўлим жазосига ҳукм қилди. 14 нафар бошқа судланувчи эса турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Руандадаги қатағон 1994 йил баҳорда хуту элати вакиллари томонидан амалга оширилганди. Айни пайтда қатағонда қўли борликда айбланган 100 мингдан ортиқ киши Руанда қамоқхоналарига ташланган.**

* * *

**АҚШнинг тегишли органлари Салвадордаги халқаро аэропортдан гиёҳванд моддалар тарқатилишига қарши кураш бўйича минтақавий марказ сифатида фойдаланади.**

* * *

**Литва президенти Вилдас Адамкуснинг таклифига биноан НАТОнинг Европадаги қуролли кучлари Бош қўмондони Уэсли Кларик Вилнюсга ташриф буюрди.**

* * *

**Германиянинг Ашенберг шаҳри яқинида кучли авиация ҳалокати содир бўлди.**

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**



*Тель-Авив — Ўртаер денгизи қирғоғидаги энг гўзал шаҳарлардан бири.*


## «ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛСАВДО» АЖ акциядорлар диққатига!

**«ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛСАВДО» АЖнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдаги умумий йиллик мажлиси 2000 йил 28 апрелда қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади:**

***Термиз шаҳри , Ғишт заводи, К. Омонов кўчаси, 5-а.***

**Телефон: 23559, 23569.**

**Акциядорларни рўйхатга олиш мажлис ўтказиладиган куни соат 9.00 дан 9.50 гача амалга оширилади. Мажлис соат 10.00 да бошланади.**

**МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:**

1. *«Ўзқурилишматериалсавдо» АЖнинг 1999 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва 2000 йилда кўриладиган масалалар тўғрисидаги бош директорнинг ҳисоботи.*
2. *Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.*
3. *Аудитор фирмасини ва 1999 йил якунлари бўйича аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш .*
4. *1999 йил якунлари бўйича соф фойда,дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.*
5. *Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ва сайлаш.*
6. *Бошқа масалалар.*

Умумий мажлисда иштирок этишга ҳуқуқи бор акциядорларни рўйхатга олиш 2000 й. 27. 04да тугалланади. Акциядорларда ўзлари билан-паспорт, вакилларда эса-ишончнома ва паспорт бўлсин.

Акциядорлар ҳамма маълумотларни қуйидаги телефонлар бўйича олишлари мумкин:
**55-52-85, 56-81-29.**

***КУЗАТУВ КЕНГАШИ.***

### «Ўзқурилишматериалсавдо» АЖ баланс валютаси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида келтирилган

| АКТИВ: | | ПАССИВ: | |
|---|---|---|---|
| 1. Узоқ муддатли активлар | 19915,0 минг сўм | 1. Ички маблағ манбалари | 32249,0 минг сўм |
| 2. Оборот активлари, | 164713,0 минг сўм | 2. Мажбуриятлар, | 152384,0 минг сўм |
| шу жумладан дебитор қарз | 65923,0 минг сўм | шу жумладан кредитор қарз | 138949,0 минг сўм |
| ***ЖАМИ:*** | ***184633,0 минг сўм*** | улардан бюджетга қарз | 5225,0 минг сўм |
| | | ***ЖАМИ:*** | ***184633,0 минг сўм*** |

**Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.**

| | |
|---|---|
| Сотиш ҳажми | 867938,0 минг сўм |
| Ялпи даромад | 139670,0 минг сўм |
| Сотиш харажатлари | 104300,0 минг сўм |
| Ялпи даромад солиғи | 32643,0 минг сўм |
| Соф фойда | 2727,0 минг сўм |

***Баланс кўрсаткичлари «Гала-У» аудитор фирмаси томонидан текширилган ва тасдиқланган. (УР Молия Вазирлигининг 1996 й. 10. 06 даги № 198 лицензияси).***

### «Ўзқурилишматериалсавдо» акциядорлик жамияти эмиссия проспекти

1. *Эмитент ҳақида асосий маълумотлар.*

1.1. *Эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи-«Ўзқурилишматериалсавдо» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзқурилишматериалсавдо» очиқ акциядорлик жамияти,«Ўзқурилишматериалсавдо» ОАЖ. Тармоқ: савдо.*

1.2. *Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (Акциядорлик жамият) ва акциядорлик жамиятининг тури (очиқ ёки ёпиқ): очиқ акциядорлик жамияти.*

1.3. ***Манзили ва банк реквизитлари:***
***Тўлиқ почта манзили: 700070, Тошкент ш., М. Мироқилова кўчаси, 68-а.***
***Хизмат кўрсатадиган банкнинг номи ва унинг манзили:***
***Саноат қурилиш банки (СКБ) нинг Ракат бўлими***
***Х/р 20210000000116131001, МФО 00435.***

1.4. *Рўйхатга олган органнинг номи,акциядорлик жамиятини давлат рўйхатининг рақами,санаси: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги №293, 16. 08. 1994 йил.*

1.5. *Рўйхатга олган органни кўрсатган ҳолда,аввалги қимматли қоғоз чиқарилиш давлат рўйхатининг рақами ва санаси:*
*биринчи чиқарилиши-УР Молия вазирлигида-№ 14-1-147 1994 й. 18. 10да.*
*Қўшимча чиқарилиши-қимматли қоғозлар бозор фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказида № 15-14-1-147/Д 1996 й. 04.07да.*

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30. 05. 1997 йилдаги 277-рақамли қарорига асосан акцияларнинг пакетини қайта тақсимлаш тўғрисида МАЪЛУМОТЛАР

*2.1. Қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан акциядорлар жамиятининг акциялар пакетини қайта тақсимлаш тўғрисидаги Давлат мулки қўмитаси буйруғининг рақами ва санаси-№221 к-ВЭ 1997й. 20.11.*

*2.2. Акциядорларнинг умумий мажлиси ва акциядорлик жамияти қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан акциялар пакетини қайта тақсимлаш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш санаси ва рақами-№5 1997й. 09.09.*

*2.3. Қўшимча чиқарилган акциялар миқдори 1081258 сўмлик-17843 дона, шу жумладан чиқарилган давлат активлари 2656,1 минг сўмлик-4383 дона, эмитент томонидан эълон қилинган акцияларни чиқариш ҳисобига 8156,76 минг сўмлик-13460 дона.*

*2.4. Қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 277 1997 й. 30. 05.даги қарорига биноан акциядорлик жамиятнинг акция пакетини қайта тақсимлаш:*

| ***ЖАМИ:*** | | ***«Ўзқурилиш материаллари» АК траст бошқармаси*** | ***Меҳнат жамоасининг улуши*** | ***Чет эл инвесторининг улуши*** | ***Эркин сотув*** |
|---|---|---|---|---|---|
| Қиймати | 15660,25 | 1565,9 | 4071,7 | 6107,87 | 3914,76 |
| Сони | 25842 | 2584 | 6719 | 10079 | 6460 |
| % | 100 | 10 | 26 | 39 | 25 |

***Тури бўйича акцияларни тақсимлаш:***
- ***чиқарилган акцияларнинг умумий сони 25842 дона, 12660,25 минг сўмлик, шу жумладан нақд 6719 дона, нақд бўлмаган 19123 дона;***

***улардан:***
- ***оддий номи ёзилган 10812,86 минг сўмга 17843 акция***
- ***кўрсатувчи учун 4847,39 минг сўмга 7999 дона оддий акция.***

***Дивидендларни тўлаш муддати — Низомга биноан дивиденд тўловининг узлуксизлиги-бир йилда бир маротаба.***

***Депозитарийнинг номи ва акциядорлик жамият депосининг ҳисоби-ВАҚТ миллий депозитарийси, 0096359.***

2733


## «ФЕРМЕР БЎЛДИНГМИ, ЎЗИНГНИ КЎРСАТ!»

*Норин туманидаги «Ойбек» фермер хўжалиги аъзоларининг шиори ана шундай. Ҳозир фермер хўжалиги ихтиёрида 33 бош қорамол бор. Гўшт етиштиришга ихтисослашган хўжалик бу йил 10 тонна гўшт етиштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган.*

**СУРАТДА: ишчи Зуҳрилло Пўлатов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*«Халқ сўзи»га жавоб берадилар*

## «ҚОНУНГА НОПИСАНД БЎЛМАНГ»

Мамлакатимизда давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганига ўн йилдан ошди. Афсуски, давлат тизимидаги баъзи бир ташкилот ва муассасаларда ана шу қонунга амал этишда нописандлик ҳолатлари кўзга ташланиб қолмоқда. Газетанинг шу йил 18 феврал сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада худди шу ҳақда фикр юритилганди.

Газетанинг чиқишига Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокими жаноб Ш. Пахрутдиновдан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, мазкур мақолада Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари Қ. Фармонов томонидан ариза муаллифларига жавоб хати ёзишда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунига амал қилинмаганлигига ҳақли эътироз билдирилади. Унда таъкидланганидек, ҳокимлик давлат тизимидаги жуда нуфузли ташкилот бўлиб, туманда қонунларнинг бажарилишини назорат этиш билан бирга айни вақтда қонунларда амал қилинишида намуна кўрсатиши лозим. Ҳокимлик масъул раҳбарининг масъулиятсизлик оқибатидаги хатти-ҳаракати 2000 йил 23 феврал куни туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда муҳокама қилинди. Туман ҳокими биринчи ўринбосари Р. Қурбонов раислигида ўтказилган ушбу йиғилишда туман ҳокимининг барча ўринбосарлари, ҳокимлик бўлим ва бошқарма бошлиқлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, Олий ўқув юртлари маънавият ишлари бўйича проректорлари, туман соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари ва халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этишди. Ушбу йиғилишда давлат тили тўғрисидаги қонуннинг туманда бажарилиши масаласи кўриб чиқилди. Йиғилганларга идоралараро ўзаро ёзишмалар фақат давлат тилида олиб борилишига алоҳида аҳамият берилиши, барча турдаги қарор, фармойиш, буйруқ ва кўрсатмалар фақат давлат тилида қабул қилиниши, раҳбар шахслар давлат тилидаги ҳужжатларни кўриб чиқиши лозимлиги тўғрисида топшириқлар берилди. Бундан ташқари, ушбу мақола туман ҳокими раислигида 28 феврал куни бўлиб ўтган ҳокимлик йиғилишида ҳам кўриб чиқилди. Туманда «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни жорий этиш комиссиясига ўз фаолиятини танқидий баҳолаган ҳолда, бу борадаги ишларни яхшилаш бўйича зарур чораларни кўриш вазифаси юклатилди.

*Соғлом авлод йили*

## ЖАЖЖИ ГЎЗАЛЛАР

*Республика хотин-қизлар қўмитасининг Собир Раҳимов тумани бўлими Соғлом авлод йили муносабати билан бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, яқинда туманда болалар боғчалари тарбияланувчилари ўртасида кўрик-танлов ўтказишди. «Жажжи гўзал»ликка даъвогар ҳар бир қизалоқ белгиланган шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, 106-болалар боғчаси тарбияланувчиси Дилноза Халимбетова (суратда чапдан учинчи) «Жажжи гўзал» деб топилди.*

**Манзура ШАРИПОВА олган сурат.**

*Мардлар қўриқлайди Ватанни*

# «СЕРГАКДИРМАН ПОСТИМДА»

Оддий аскар Саждар Матқурбонов ўзи қўриқлаётган объектдан рангли металл — оғирлиги 40 килограммдан ортиқ мис симни олиб чиқмоқчи бўлган икки жиноятчини қўлга олди. Ўғрилар қўйиб юборишни илтимос қилиб, пул таклиф этишди. Аммо ўз бурчига содиқ йигит виждонини сотмади.

... Шу куни постда турган сергак соқчи Саждар Матқурбонов тунги соат ўн яримдан ошганда одам шарпасини сезиб қолди. Бироқ, соқчининг постда сергак турганини пайқашган «тунги меҳмонлар» дарҳол ўзларини панага олишди. Оддий аскар Матқурбонов сергакликни янада оширган ҳолда қоровуллик хизматини — давлат аҳамиятига молик объектни қўриқлашни давом эттирди.

Халқимизнинг, ажали етган чиябўри уясига қараб увиллайди, деган мақоли ҳақиқат экан. Акс ҳолда, бу қонунбузар жиноятчилар ўз қора ниятларини амалга ошириш илинжида яна қайтиб келишмасди. Улар иккинчи бор таъқиқланган зона яқинида пайдо бўлишди.

— Тўхта, ким келаяпти?!

Соқчининг ҳитоби жавобсиз қолди.

— Тўхта, отаман!

Саждарнинг буйруғидан «тунги қароқчилар» сергак тортиб, тўхташди. Энди соқчи постда содир бўлган бу воқеа ҳақида қоровуллар бошлиғига хабар бериши лозим. Соқчи оддий аскар қоровуллар хонаси билан алоқа ўрнатишга эндигина тутинган эди ҳамки, жиноятчилар тилга кириб қолишди:

— Ҳой, солдат, агар қўйиб юборсанг, бизга ҳам, сенга ҳам яхши бўлади...

— Яна бир оғиз «ғинг» десаларинг ёки жойингдан қимирласаларинг, — дея уларни ортиқча гапиришга қўймади Саждар.

Аммо аҳволлари танг эканлигини билишди чоғи, улар тағин сўз қотишди:

— Солдат ука, илтимос, қўйиб юборақол, беш минг сўм нақд санаб берамиз.

Оламни, ҳаётни ҳар ким ўз қаричи, ўз ақли етган аршини билан ўлчайди. Давлат мулкини ўмариб, текин пул топишни мўлжаллашган жиноятчилар Ватан ҳимоячисини осонгина сотиб олишни ўйлашлари хом хаёл эканлигини ўйлаб ҳам кўришмаганди. Раҳматлик Маткарим ака фарзандларига фақат соф виждонли бўлиш, фақат тўғри йўлдан юришни қайта-қайта насиҳат қилиб кетганини, ҳозирда Ғазовод қишлоғидаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилаётган Рўза опанинг Саждарга ҳам, ундан кейинги ўғил-қизларига ҳам мудом чин инсон бўлиш лозимлигини ёшлигидан уқтириб келаётганини нияти бузуқ бу кимсалар қаёқдан билишсин?!

— Жим турмасанглар... деди-да Саждар ўқни ўқдондан қурол ичига сурди. Автомат затворининг шарақлашидан қароқчилар вазиятнинг ўта қалтислигини сезишди шекилли, тошдай қотишди. Бироқ, оддий аскар Матқурбонов қоровулхона билан алоқа боғлаётган пайтда жуфтакни ростлашга чоғланишди.

— Тўхта, отаман, — огоҳлантирди Саждар, Лекин қонунбузарлар соқчи буйруғига бўйсунишмади. Осмонга узилган огоҳлантирувчи ўқ ҳам уларни тўхтата олмагач, соқчи сўнгги чорани қўллашга мажбур бўлди. Ва бузғунчилардан бирининг оёғини кўзлаб, жанговар қуролнинг тепкисини босди. Қочоқлар юз тубан ерга ётиб олишгач, рўй берган воқеа ҳақида қоровуллар бошлиғига зудлик билан хабар қилди. Саноқли дақиқалар ичида постга етиб келишган қоровуллар бошлиғининг ёрдамчиси сержант Акмал Тинчликов бошлиқ қоровуллар «тунги меҳмон»ларни ашёвий далиллар билан қўлга олишди.

— Ўғрилар шаҳар ички ишлар бўлимига топширилди, — дейди қоровуллар бошлиғи катта лейтенант Баҳодир Дунанов. — Қизиғи шундаки, ички ишлар ходимлари етиб келгунларига қадар бу виждонини сотган бузғунчилар қўйиб юборишимни илтимос қилиб, менга юз минг сўм пора таклиф этишди. Бироқ улар чучварани хом санашганди. Бизнинг майор Бахтиёр Тожибоев командирлик қилаётган жамоамизда пулга сотилганлар бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бизда хизмат қилаётган йигитларнинг барчаси мард, маънан ва жисмонан етук жангчилардир.

Оддий аскар Саждар Матқурбоновга постдаги сергаклиги, ҳушёрлиги учун уйига — Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманига бориб келиш учун ўн кунлик таътил эълон қилинди. Қишлоғига қисм командирининг миннатдорчилик сўзлари битилган Ташаккурнома жўнатилди.

**Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ, подполковник.**

**Суратда: оддий аскар Саждар Матқурбонов. Муаллиф олган сурат.**

*Энг улуғ, энг азиз*

# ЎЗЛИКНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

Қишлоғимизда Мели полвон деган донгдор курашчи бор эди. Узоқ-яқин мусофотларда ҳам шуҳрат тутганди. «Унча-мунчага елкаси ер искайдиганлардан эмас» дейишарди полвонни билганлар.

Бобом кўп такрорларди:

— Бир йили нақд пойтахтнинг ўзидан соврин олиб келди. Бир жуфт этигу уч юмалоқ тўқсон беш. Чойни менга чиқартириб юборган эди, барака топгур.

Лекин негадир полвонга ҳеч меҳрим ийимасди. Чунки, у менинг тасаввуримдаги тоғ келбатли, муштуми чақалоқнинг бошидай, гумбур овозли полвонларга ҳеч ўхшамасди-да. Мели полвоннинг жуссаси кичик, товуши ингичка, одамга ювош боқарди. Бунинг қаери полвон экан, дея кўп ўйланардим.

Бу ўй мактабга боргунимча менга ҳамроҳлик қилди. Бир-икки ҳарф таниганимдан сўнг, барча болалардай эртакларни ҳижжакилашга тушдим. Кўп эртакларни ўқидим. Лекин уларнинг орасидан учтаси хаёлимда муҳрланиб қолди: ўзимизнинг Качал полвон, туркманларнинг Нўхот полвонию ўрисларнинг «Мужичок с ноготок»и. Қандай қилиб бу митти вужудлар алп-алп одамлар ҳам бажара олмайдиган ишларни уддалашган? Уларнинг (дарвоқе, Мели полвоннинг ҳам) сири нимада?

Сирнинг тагига етиш учун эса ўн йилдан ошиқ вақт керак бўлди.

Яқинда қўқонлик машҳур Турсунали полвон билан суҳбатлашиб қолдим.

— Полвон учун асосий нарса нима? — деб сўрадим у кишидан.

— Руҳий қувват, — деб жавоб берди полвон мени донг қолдириб. — Токи, полвон руҳан бақувват бўлмаса, даврада қўли баланд келиши гумон.

### КОМИЛЛИК КЎШКИНИНГ ПИЛЛАПОЯСИ

Ушбу суҳбатдан сўнг, руҳият тарбияси, руҳий баркамоллик ҳақида кўп ўйлай бошладим. Тарихимизнинг бир-икки варағини титкиладим. Амин бўлдимки, тарбия илдизлари азал-азалгача бориб тақалади. Ва у комиллик кўшкига элтувчи асосий пиллапоя ҳисобланган. Навоий бобомизнинг машҳур қитъасини эслайлик:

***Камол эт касбким, олам уйидин***
***Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.***
***Жаҳондин нотамом ўтмак, биайниҳ***
***Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.***

Комиллик сари интилиш дунёда яшамоқнинг асосий фарзи, демоқда шоир. Хўш, комиллик қаерда шаклланади? «Руҳият орқали амалга ошади» дейди Юнус Эмро:

**Мени (яъни комилликни — А.Ш.) менда дема менда эмасман,**
Бир мен бордир менда, менинг ичимда.

Комилликнинг макони аниқ бўлди. Энди унинг шаклланиши теварагида фикр юритиб кўрайлик. «Авесто»да айтилишича, одамзот руҳиятида икки куч — эзгулик ва ёмонликнинг қаттиқ кураши боради. Шу кучларнинг қайси бири устун келишига қараб инсон комиллик ёки тубанликка юз тутади. Лекин у ёки бу хислатнинг ғалаба қилиши эса, шубҳасиз, одамзоднинг ўзига — унинг ўша хислатларга таъсир этиш кучига боғлиқ. Демак, инсон ўз руҳиятини бошқариш имконига эга. Бироқ, бошқариш имкони бўлгани билан унга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун, тасаввуф аҳлининг эътирофича, риёзат чекмоқ керак. Ёмон хислатлар (ёвузлик, ҳасад, бесабрлик, нафс...) хархашасига дош бера билиш, уларга қарши эзгу хислатларни уйғота олмоқ лозим.

Ана шундай унсурларни мужассам эта олган кишида Ирода деган куч пайдо бўлади. У жисмоний кучдан-да ўн чандон залворли. Качал полвон, Нўхат полвону Мели полвонларнинг сири шунда бўлса, ажаб эмас.

### «ТЕПА» ТУШОВЛАГАН ТИЗГИН

Шўро истибдоди ҳақида кўп гапирдик. Гапиряпмиз. «Жуда меъдага тегиб кетдиларинг-ку» дегувчилар ҳам бор. Бироқ, ўша тузумни синч билан нигоҳдан ўтказаверганингиз сари, унинг янгидан-янги кирдикорлари очилаверади. Биз эса яна гапиришга мажбур бўлаверамиз. Шу тахлит давом этаверади.

Бундай олиб қарасангиз, Шўронинг тепасида кўп «ақлли бошлар» турганлигига амин бўласиз. Улар халқни урмай, сўкмай, бурнини қонатмай манқуртга айлантириш ҳадисини обдон эгаллаганлигига қойил қоласиз.

Юқорида инсоннинг ўз руҳиятини ўзи бошқариш имкони — Ирода кучи ҳақида гапирдик. Шўро мана шу психологик ҳолатдан усталик билан фойдаланди. Халқ руҳиятини «тепа»дан туриб бошқара бошлади. Уни ўз таъсир кучи остига олди. Халқ ўйламай қўйди. Унинг учун тепа ўйлади. Шу ерда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Баъзилар ҳали ҳам «у пайтлар ҳамма нарса тайин, ҳамма нарса муҳайё эди» деб ёзғиришади. Билишмайдики, ўша «тайинлик» халқни манқуртга айлантиришнинг бир воситаси эди. Унда кураш ҳиссини ўлдиргувчи бир амал эди.

### ЎЗБЕКНИНГ ТИЙНАТИ ЎЗИДА

Яқинда бир йиғин бўлиб ўтди. Ўзбек феълини шакллантириш муаммоларига бағишланган анжуман. Кўп маърузалар қилинди. Баҳслар, мунозаралар бўлди. Турли-туман фикрлар айтилди.

Аксарият олимлар таъкидлашдики, ўзбек халқига юздан ортиқ фазилат хос. Замонлар бўронидан уларнинг кўпчилигига гард-чанг юққан. Ўзбек феълини шакллантириш учун ана шу фазилатларни камол топтириш керак. Бу — олимларнинг фикри. Лекин — қандай йўл билан?..

Бизнингча, энг аввало, ўзбекда Ўзлик ҳиссини тарбиялаш керак. Зеро, ўзидаги фазилатларни инсоннинг ўзи камол топтиради. Шундагина мустақиллик пайдо бўлади, фикр пайдо бўлади, шахс пайдо бўлади.

**Асқар ШОКИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЛАЛМИКОР»ДАГИ ШИФОХОНА

**Инсон учун соғлиқдан катта бойлик йўқ. Шифокорлар ана шу бебаҳо бойлик ҳимоячиларидир. Шу боис одамлар уларга ўзгача ҳурмат назари билан қарашади. Ғаллаорол туманидаги «Лалмикор» қўрғонида жойлашган шифохонада ҳам ана шундай ҳурматга сазовор саломатлик посбонлари талайгина.**

**— Шифохонамизда қон қуйиш, терапея, туғруқхона, болалар бўлимлари ишлаб турибди, — дейди бош ҳаким Ёдгор Ёқубов. — «Лалмикор» қўрғони ва яқин атрофдаги 7 та қишлоқда истиқомат қилаётган жами 26 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатамиз. Шифохонамизни қайта таъмирлаш, бўлимларимизни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада бизга вилоят, туман ҳокимликлари, «Ғаллаорол» агрофирмаси, «Лалмикор» нефть маҳсулотлари корхонаси ва бошқа ҳомий ташкилотлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Шифохона ходимлари Соғлом авлод йилида ёш болалар ва оналар саломатлигини янада мустаҳкамлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бунинг учун зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган. Шу мақсадда бундай беморлар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилаяпти. Амир Холмўминов, Абдуғофур Алиқулов, Муқаддам Шамакова, Абдуҳаким Авазов сингари тажрибали шифокорларнинг хизматидан эл мамнун.**

**Айниқса, шифохонада қарийб 20 йилдан буён фидоийлик билан меҳнат қилиб келаётган стоматолог-врач А.Алиқулов ўз касбининг устаси сифатида одамлар орасида катта обрў-эътибор қозонган. Бундай эътирофни оддий кишилардан ҳам эшитиш мумкин.**

**Биз шифохонадан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб қайтаётиб, иттифоқо, бир отахон билан ҳамроҳ бўлиб қолдик. Йўлнинг танобини тортиш мақсадида у кишини суҳбатга тортдик.**

**— Исмим Ражабали. Кўктол қишлоғиданман. Ўзи ҳеч кимни дўхтирга тушгулик қилмасин. Яхшиям бахтимизга яхши шифокорлар бор. Оғиримизни шулар енгил қилишади. Набирамнинг милклари тинимсиз қонар, кечалари йиғлаб чиқарди. «Лалмикор»даги шифохонада Абдуғофур Алиқулов деган бир тиш дўхтири бор экан. Илойим, умридан барака топсин. Бир ҳафтада набирамнинг дардига малҳам қўйди.**

**Шифохонадан кўнглимиз ўсиб қайтаётган эдик. Отахоннинг бу беғараз эътирофидан сўнг эса бир қониқишимизга ўн қониқиш қўшилди.**

**Дилшод УСМОН, талаба.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 4 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 89,33 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,28 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 235,52 |
| 10 Бельгия франки | 35,07 |
| 1 Голландия гульдени | 64,19 |
| 10 Греция драхмаси | 4,23 |
| 1 Дания кронаси | 19,00 |
| 1 БАА дирхами | 40,21 |
| 1 АҚШ доллари | 147,70 |
| 1 Миср фунти | 43,12 |
| 10 Испания песети | 8,50 |
| 100 Италия лираси | 7,31 |
| 1 Канада доллари | 101,53 |
| 1 Хитой юани | 17,84 |
| 10 Люксембург франки | 35,07 |
| 1 Малайзия ринггити | 38,87 |
| 1 Германия маркаси | 72,33 |
| 1 Польша злотийси | 35,68 |
| 1 СДР | 198,55 |
| 1000 Туркия лираси | 0,25 |
| 1 Финляндия маркаси | 23,79 |
| 1 Франция франки | 21,57 |
| 1 Швейцария франки | 88,90 |
| 1 ЕВРО | 141,47 |
| 10 Жанубий Корея вони | 1,34 |
| 10 Япония иенаси | 14,07 |
| 1 Россия рубли | 5,16 |
| 1 Украина гривнаси | 27,21 |

*(Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ДЕЙЛ КАРНЕГИ ВА ТАЛАБА

**Ўз соҳасида муваффақият қозонмоқчи бўлган аксарият кишилар америкалик руҳшунос олим Дейл Карнегининг инсоний муносабатлар тадқиқига бағишланган оммабоп китобларини ўқиб, унга амал қилиб ўз ниятларига етган бўлса, ажабмас. Бу китоблар билан танишиш ҳар бир соҳада ишловчи кишилар учун асқотиши аниқ.**

Карнеги турли йўллар билан танишлари ва дўстларининг туғилган кунларини сўраб, махсус дафтарчага кўчириб олган. «Ҳар йил бошида мен бу саналарни календарга ёзиб қўярдим, — деб ёзади у. — Дўстларимдан бирортасининг туғилган куни яқинлашиши билан мен унга табрик хати ёки телеграмма юборар эдим. О, бу нақадар ажойиб таассурот қолдиришни билсангиз эди. Кўп ҳолларда мен бу туғилган кунни ёдида сақловчи ягона киши бўлиб чиқардим». Муаллиф ўз ҳаётий қоидасини баён этар экан, қуйидагича хулоса қилади, агар сиз одамларга ёқишни истасангиз, биринчи қоидага амал қилинг:

**Одамлар ҳаётига, уларнинг турли урф-одатлари, эътиқодлари ва интилишларига самимий қизиқиш билан қаранг.**

Ҳаётни кузатсангиз, Дейл Карнегининг аксарият ҳолларда ҳақ эканлигига ишонасиз. «Наврўз» нашриёти 1992 йилда «Муомала сирлари» номли мўъжазгина китобчани нашр этган. Ушбу рисолани руҳшунослик фанлари номзоди Нуриддин Сафоев, Бахтиёр Ғаффоров ҳамкорликда тузишган. Унда Дейл Карнеги асарлари асосида маслаҳатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта мактаб муаммолари институти ҳамкорликда Олий ўқув юртлари иқтидорли талабаларининг «Жаҳон ижодий тафаккури мерослари ва иқтидорни ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги давра суҳбатини ташкил этди. Дейл Карнеги асарлари мисолида ўтказилган бу баҳсда республика олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов иштирок этди ва ўз таассуротларини сўзлаб берди. Сўнгра Нуриддин Сафоев Дейл Карнеги мероси ва унинг психологик аҳамияти хусусида сўз юритди. Бу мулоқотда талабалар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

Дейл Карнеги асарларида мулоқотга киришиш сирлари мавзуида сўз юритган Ўзбекистон Миллий университети 3-босқич талабаси Дурбек Воҳидов қизиқ бир фикрни билдирди.

— Дейл Карнеги асарлари билан танишганингиздан кейинг беихтиёр баъзи бир ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услубига танқидий назар пайдо бўлади. Мен, узр сўраган ҳолда, аввало ўша устозлар ҳам ушбу руҳшуноснинг асарларига бир назар ташлашини маслаҳат берган бўлардим.

Албатта, бугунги талаба ўқияпти, изланяпти, дунёга бўйлаяпти. Ўтказилган ушбу давра суҳбати олий ўқув юртларида ўткир зеҳнли зукко талабалар-янги бир авлод етишаётганини кўрсатади.

Ушбу давра суҳбатининг ташкилотчиларидан бўлган Шерзод ака Бўтаев таъкидлаганидек, «талабаларнинг бундай мулоқотлари давом этади. Ушбу суҳбатларда талабалар фақат тингловчи бўлиб эмас, балки иштирокчи бўлиб, ўзларининг мустақил фикрлари билан қатнашишлари керак».

**А. ЖЎРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

**қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади:**

**Кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ассистентлар:**

1. Чет тиллар — кафедра мудири
2. Иқтисодиёт назарияси — кафедра мудири
3. Қишлоқ хўжалигида электр энергиясини қўллаш — кафедра мудири, доцент (5), ассистент (3)
4. Машиналар пухталиги ва ремонти — кафедра мудири, доцент (2), ассистент (2)
5. Ер кадастри — профессор (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (1)
6. Рус тили — доцент (1), катта ўқитувчи (6)
7. Геодезия — доцент (3), катта ўқитувчи (4), ассистент (2)
8. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш — доцент (2), катта ўқитувчи (2), ассистент (1)
9. Қишлоқ ва сув хўжалигининг электр таъминоти — доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (2)
10. Электротехниканинг назарий асослари — профессор (1), доцент (2)
11. Умумий физика ва кимё — доцент (10), катта ўқитувчи (1), ассистент (1)
12. Бухгалтерия ҳисоби ва молия — доцент (4), катта ўқитувчи (2), ассистент (5)
13. Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик сув таъминоти — доцент (2), ассистент (1)
14. Гидротехника иншоотлари — доцент (4), ассистент (2)
15. Қурилиш механикаси — доцент (1), ассистент (3)
16. Педагогика ва ўқитиш услубияти — доцент (2), катта ўқитувчи (2)
17. Хаёт фаолияти хавфсизлиги — доцент (1), катта ўқитувчи (2) ассистент (1)
18. Қишлоқ хўжалиги гидротехникмелиорацияси ва гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш — доцент (2), ассистент (1).

*Кафедра мудирлари лавозимларига танловда фан докторлари профессорлар, фан номзоди, доцентлар иштирок этишлари мумкин.*

**Танловга аризалар қабул қилиш муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.**

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Қори-Ниёзий кўчаси 39-уй. ТИҚХМИИ кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Телефон: 137-19-49.**

Ректорат.

2732



**Тошкент Давлат аграр университети олий маълумотли мутахассисларга бериладиган 052958 ва 052961-сонли диплом бланкалари йўқолганлиги тўғрисида маълум қилади.**


Ўзбекистон Республикаси ФА оғир ионлар физикаси бўлими жамоаси бўлим директори, профессор Ахтам Мўминовга волидаи муҳтарамалари **ТИЛАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти, ишчи ва ходимлари электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультети «Саноат электроникаси» кафедраси катта ўқитувчиси Ш. Назаровга оталари **Мавлон НАЗАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси бошқаруви ва жамоаси «Ёғ-мой саноатини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш» бўлими етакчи мутахассиси А. Умаровга онаси **ЖАМОЛ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.00*
1 2 3 4 5 6